



**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ХАЛЫҚ БИЛИМЛЕНДИРИҮ
МИНИСТРИНИҢ БУЙРЫҒЫ**

**«Жаслар ҳам Нызам» республикалық хуқықый таңлаўын өткерий
хаққында**

Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2020-жыл 29-декабрьдеги Өзбекстан Республикасы Олий Мәжлисине жоллаған Мүрәжәтнамасы хәмде 2020-жыл 25-декабрьде Ташкент қаласында өткерилген Жаслар форумында шығып сөйлеген баянатында жасларға тийисли мәмлекет саясаты бағдары бойынша белгиленген баслы ўазыйпаларынан келип шығып, сондай-ақ Өзбекстан Республикасы Президентиниң «Жәмийетте хуқықый мәдениятты раўажландырыў системасын түптен өзгертиў хаққында»ғы 2019-жыл 9-январдағы ПҚ-5618-санлы Пәрманының орынланыўын тәмийинлеў мақсетинде Өзбекстан Республикасы Жаслар ислери агентлиги, Өзбекстан Республикасы Жоқары суды, Өзбекстан Республикасы Әдиллик министрлиги, Халық билимлендириў министрлиги, Өзбекстан Республикасы Жоқары хәм орта арнаўлы билимлендириў министрлиги хәмде Өзбекстан жаслар аўқамы Орайлық Кеңесиниң қоспа қарары қабыл етилди.

Жоқарыдағы тапсырмалардың орынланыўын тәмийинлеў мақсетинде буйыраман:

Қоспа қарарда:

1. Жаслардың хуқықый санасы хәм хуқықый мәденияттын раўажландырып барыў, Нызам турақлылығын тәмийинлеў, сондай-ақ, билимлендириў мәкемелери оқыўшыларының билимлери, санасы хәм мәденияттын раўажландырыў, оларды Өзбекстан Республикасы Конституциясы хәм басқа Нызам хўжетлерине хўрмет руўхында тәрбиялаў, жаслардың сиясий белсендилигин асырыў, сондай-ақ, жаслардың хуқықый тәрбиясына кери тәсир көрсетиўши себеплерге қарсы хуқықый иммунитетти қәлиплестириў, нызам бузылыўы хәм коррупция жағдайларына қатаң гүресий сезимлерин оятыў мақсетинде улыўма орта билим бериў мәкемелеринде, соннан, қәнигелестирилген мектеплер, қәнигелестирилген көркем-өнер хәм мәденият мектеп-интернатлары, спорт бағдарындағы қәнигелестирилген мектеп-интернатлары, академик лицейлер, кәсип-өнер мектеплери хәмде колледж, техникумлар оқыўшылары (кейинги орынларда-оқыўшылар) ортасында «Жаслар хәм Нызам» республикалық хуқықый таңлаў (кейинги орынларда-таңлаў) өткерилетуғынлығы.

2. «Жаслар хәм Нызам» Республикалық таңлаўын шөлкемлестириў хәм өткерий тәртиби хаққындағы Реже 1-қосымшаға муўапық;

«Жаслар хәм нызам» республикалық хуқықый таңлаўын шөлкемлестириў хәм өткерий бойынша республика исши топар курамы 2-қосымшаға муўапық тастыйықланғанлығы.

3. Таңлаўды ашық-айдын хәм нәтийжели өткерий мақсетинде:

Жаслар ислери агентлигине:

таңлауды шөлкемлестіріу бойынша исши топар хызметин мууапыкластырыу;

таңлаудың 2-шәрти бойынша сораулар ислеп шығыу;

таңлаудың республика басқышын көтеринки руұхта өткерилиуин тәмийинлеу мақсетинде ис-илаж бенен байланыслы барлық шөлкемлестіріу-хуқықый ислерди әмелге асрыу;

таңлауды ғалаба хабар кураллары, интернет сайтлары хәм социаллық тармақларда дағаза беріу, таңлау бағдарларында үзликсиз түрде ашып барыу;

жаслар ортасында таңлау үгит-нәсиятын кең жолға қойыу;

таңлау жеңимпазларын мүнәсип хошаметлеу мәселелерин шешіу;

таңлау тәрәпинен әмелге асырылған жұмыслар бойынша жуумақлаушы талықланған мағлыұматларды улыұмаластырыу ұазыйпалары;

Жоқары судқа:

Таңлауда қатнасыушы топар ағзалары судлар хызметин хакқында жетерли билим хәм көнликпелерин пайда етиу мақсетинде олар суд тарауында әмелге асырылған реформалар хакқында тийисли мағлыұматларды алыуда әмелий жәрдем көрсетиу;

Таңлауда қатнасыушы топар ағзаларының суд процесслери хакқында түсиниклерин рауажландырыу мақсетинде суд имаратларына олардың саяхатларын шөлкемлестіріуде әмелий жәрдем көрсетиу;

Таңлауда қатнасыушы топар ағзаларына суд мәжлислер залларында әмелий шынығыулар өткеріу мақсетинде шөлкемлестіріу жұмысларын әмелге асырыу хәм оған жууапкер хызметкерди бириктиріу ис-илажларын көріу ұазыйпаларын.

Әдиллик министрлигине:

Таңлаудың 2-шәрти ушын сорауларды таярлауда Жаслар ислери агентлигине әмелий жәрдем беріу;

Таңлаудың мәхәллий, аймақлық хәм республика басқышларының өткерилиуинде жүрилер ағзасы қурамында қатнасыу ушын әдиллик органларының қәнигели хызметкерлерин қамтып алыу;

Халық билимлендириу министрлигине:

Таңлауды республика көлеминде өткеріу менен байланыслы тийисли жұмысларды әмелге асырыу, илаж орынларын белгилеу;

Таңлаудың саралау хәм мектеплер аралық басқышларын өткеріу ушын имарат ажратыу, тийисли шәрт-шәраятларды жаратыу;

Таңлауда қатнасыуды қәлеуши билимлендириу мәкемелеринде билим алыушы барлық оқыушы жасларды белсенди қамтып алыу;

Таңлауда қатнасыушы оқыушыларға сабақтан кейин ұақытларда таңлауға таярлық көріу ушын шәрт-шәраятлар жаратылыуын тәмийинленеу ұазыйпалары.

Жоқары хәм орта арнаұлы билимлендириу министрлигине:

Таңлауды орынларда көтеринки руұхта өткерилиуин тәмийинлеу мақсетинде исши топар қурамында тәжирийбели қәнигелердин қатнасыуын тәмийинлеу;

Таңлауда академик лицейлер хәм профессионал билимлендириу мәкемелери оқыушыларын кең түрде қамтып алыу;

Таңлау басқышларын жоқары көтеринки руұхта хәм әдалатлы өткерилиуин тәмийинлеу мақсетинде жүрилер ағзасы қурамына тәжирийбели қәнигелердин қатнасыуын тәмийинлеу илажларын көріу.

Ўзбекистан жаслар аўқамына:

Таңлаў қатнасыўшыларын сабақтан тысқары ўақытларында таңлаўға таярлаў ушын баслаўыш шөлкемлери жетекшилерин қамтып алыў;

Таңлаўдың тийисли шэртлерин орынлаў ушын зэрүр болған тараў қәнигелерин қамтып алыў хәм ушырасыўлар шөлкемлестириў;

Жаслар ортасында таңлаў үгит-нәсиятлаўды кең жолға қойыў;

Таңлаў жеңимпазларын сыйлықлаў мәселелерин шешиўге жәрдемлесиў ўазыйпалары жүклетилгенлиги мәмлекет ушын қабыл етилсин хәм басшылыққа алынсын.

4. Барлық район(қала)лық халық билимлендириў бөлимлери баслықлары хәм де Республикалық бойсыныўдағы билимлендириў мәкемелери басшыларына:

көрик-таңлаўдың мазмун-мәнисин улыўма билим бериў мектеплери педагогикалық жәмәәти хәм оқыўшылар арасында кең түрде түсиндириў жумысларын алып барыў;

көрик-таңлаўдың биринши, екинши басқышларын реже тийкарында жоқары дәрежеде шөлкемлестириў;

көрик-таңлаўдың биринши басқышын шөлкемлестириўде улыўма орта билим бериў мектеплериндеги Ўзбекистан жаслар аўқамы басланғыш шөлкемлери жетекшилериниң белсенди қатнасыўын тәмийинлеў;

төрешилер курамы ағзаларын тәжирийбели қәнийгелерден қәлиплестириў, олардың әдиллик хәм әшқара хызмет көрсетиўин тәмийинлеў;

аймақлық басқыш жуўмағы бойынша хўжетлерди талап дәрежесинде расмийлестириў, жуўмағын орнатылған тәртипте Республика исши топарына усыныс етиў;

көрик-таңлаўдың республикалық басқышында қатнасатуғын оқыўшылар хәм оларға бириктирилген жуўапкер шахслардың қәўипсизлигин тәмийинлеген халда келип кетиўлерин шөлкемлестириў ўазыйпасы жүклетилсин.

5. Министрликтин Мәлимлеме хаткери (Т.Даулетмуратов)не өткерилип атырған көрик-таңлаўды ғалаба хабар қураллары арқалы кең жәриялап барыў усыныс етилсин.

6. Усы буйрықтың орынланыўын қадағалаў министрдиң биринши орынбасары ў.ў.а Қ.Бекбаўлиевқа жүклетилсин.

Министр



Р.Реимов

Ноқис қаласы

2021-жыл 21 - Апрель

№ 105

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ


“Ёшлар ва қонун” республика ҳуқуқий танловини ўтказиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси ҳамда 2020 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Ёшлар форумида сўзлаган нутқидаги ёшларга оид давлат сиёсати йўналиши бўйича белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларига нисбатан ҳуқуқий иммунитетини шакллантириш, қонун бузилиши ва коррупция ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини уйғотиш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатлари, спорт йўналишидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, академик лицейлар, касб-хунар мактаблари ҳамда коллежлар ва техникумлар ўқувчилари (кейинги ўринларда – ўқувчилар) ўртасида “Ёшлар ва қонун” республика ҳуқуқий танлови (кейинги ўринларда – танлов) ўтказилсин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

“Ёшлар ва қонун” Республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;



“Ёшлар ва қонун” республика ҳуқуқий танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ.

3. Танловни шаффоф ва самарали ташкил қилиш ҳамда ўтказиш мақсадида:

Ёшлар ишлари агентлигига:

танловни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш;

танловнинг 2-шарти бўйича саволларни ишлаб чиқиш;

танловни республика миқёсида юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида тадбир билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошириш;

танловни оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш, танлов жараёнларини мунтазам равишда ёритиб бориш;

ёшлар ўртасида танлов тарғиботини кенг йўлга қўйиш;

танлов ғолибларини муносиб тақдирлаш масалаларини ҳал этиш;

танлов юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича якуний таҳлилий маълумотларни умумлаштириш вазифалари;

Олий судга:

танловда иштирок этувчи гуруҳ аъзоларининг судлар фаолияти тўғрисида етарли билим ва кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида уларга суд соҳасида амалга оширилган ислохотлар ҳақида тегишли маълумотларни олишда амалий ёрдам кўрсатиш;

танловда иштирок этувчи гуруҳ аъзоларининг суд жараёнлари ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш мақсадида суд биноларига уларнинг ташрифларини ташкиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

танловда иштирок этувчи гуруҳ аъзоларига суд мажлислар залларида амалий машғулотлар ўтказиш мақсадида ташкилий ишларни амалга ошириш ва бунга масъул ходимни бириктириш чораларини кўриш вазифалари.

Адлия вазирлигига:

танловнинг 2-шарти учун саволларни тайёрлашда Ёшлар ишлари агентлигига амалий ёрдам бериш;

танловнинг маҳаллий, ҳудудий ва республика босқичларининг ўтказилишида ҳакамлар ҳайъати таркибида иштирок этиш учун адлия органларининг малакали ходимларини жалб қилиш юклатилсин.

Халқ таълими вазирлигига:

Танловни республика миқёсида ўтказиш билан боғлиқ тегишли ишларни амалга ошириш, тадбир жойларини белгилаш;

танловнинг саралаш ва мактаблараро босқичларини ўтказиш учун бино ажратиш, тегишли шарт-шароитларни яратиш;

танловда иштирок этишни хоҳловчи таълим муассасаларида таҳсил олувчи барча ўқувчи-ёшларни фаол жалб этиш;

танловда иштирок этувчи ўқувчиларга дарсдан ташқари вақтларда танловга тайёргарлик кўришлари учун шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига:

Танловни жойларда юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ таркибида малакали мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш;

танловда академик лицейлар ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини кенг жалб этиш;

танлов босқичларини савияли ва адолатли ўтказилиши юзасидан ҳакамлар ҳайъати таркибига номзодлар иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига:

Танлов иштирокчиларини дарсдан ташқари вақтларда танловга тайёрлаш учун бошланғич ташкилотлари етакчиларини жалб қилиш;

танловнинг тегишли шартларини бажариш учун зарур бўлган соҳа мутахассисларини жалб этиш ва учрашувлар ташкил этиш;

ёшлар ўртасида танлов тарғиботини кенг йўлга қўйиш;

танлов ғолибларини тақдирлаш масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қўшма қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари (С.Ашуров), Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари (Р.Махмудова), Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари (М.Икрамов), Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари (У.Шарифходжаев), Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари (М.Холмухамедов) ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари (И.Холдорова) зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги**

директори

Тошкент ш.,

2021 йил 9 апрел,

01-07/16 -сон



Саъдуллаев

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

Тошкент ш.,

2021 йил 9 апрел,

11-22-21 -сон



К.Камилов